*Ватан севмак иймондандур!*

# Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Нархи: 5 сўм

1993 йил 6 апрель, сешанба

№ 60 (21.411).

*Ислом КАРИМОВ:*

# ЭНДИ БИЗ—ЎЗБЕК ВА ТУРК ХАЛҚЛАРИ АБАДИЙ БИРГАМИЗ!





4 АПРЕЛЬ. Туркия Республикаси Президенти Турғут Ўзол раҳбарлигидаги расмий давлат делегациясининг мамлакатимизга ташрифи давом этмоқда.

Мустақил диёримиз осмонида пайдо бўлган улкан «Боинг—737» тайёраси она заминимизга келиб қўнади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов меҳмонга пешвоз чиқади. Дўстлар, қардошлар бир-бирлари билан дийдорлашади.

Шаҳар ташқарисидаги қароргоҳда Ислом Каримов ва Турғут Ўзол яна бир карра қучоқ очиб кўришдилар. Ўзбекистон Президенти Хоразм чеварлари Турғут Ўзол сиймосини нақшлаган гиламни меҳмоннинг ўзига совға қилди.

Эсдалик совғалари улашилгач, икки Президент якка-якка мулоқотга киришди.

«Дўрмон» меҳмонхонасининг мажлислар залида Ўзбекистон ва Туркия расмий вакилларининг музокаралари бўлиб ўтди. Музокараларда Ўзбекистон томонидан Республика Бош вазири А. Муталов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, Ташқи ишлар вазири С. Сафоев, Туркия томонидан эса Туркия Республикаси Ташқи ишлар вазири Ҳикмат Четин ва бошқа расмий кишилар қатнашди.

5 АПРЕЛЬ. Дўст мамлакат делегацияси ташрифининг иккинчи куни хайрли ишдан бошланди.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Туркия Президенти Турғут Ўзол жаноблари бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида бугун эрталаб Алишер Навоий хотирасини эъзозлаш ниятида Ўзбекистон миллий боғига келди.

Ҳурматли меҳмонни олқишлаб шаҳар жамоатчилиги вакиллари, меҳнат фахрийлари, талаба ва кичкинтойлар пешвоз чиқдилар. Туркия ва Ўзбекистон давлат раҳбарлари улуғ бобокалонимиз ҳайкали пойига гуллар қўйиб, эҳтиром изҳор этдилар.

Пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги саройида икки давлат раҳбарлари ўртасидаги музокаралар давом эттирилди.

Битимларни имзолаш маросимида Турғут Ўзол бошчилигидаги Туркия давлат делегацияси вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, республика Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев, Бош вазир А. Муталов, Ўзбекистоннинг Туркиядаги фавқулодда ва мухтор-буюк элчиси У. Абдураззоқов, Туркиянинг Ўзбекистон Республикасидаги буюк элчиси Вулқон Чўтур ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Шундан сўнг икки қардош давлат раҳбарлари матбуот вакиллари билан учрашдилар.

Улар журналистларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб бердилар.

Туркия Республикаси Президенти Турғут Ўзол Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасига ташриф буюрди.

Маҳкаманинг улкан залида Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идораларининг раҳбарлари, Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакиллари билан учрашув бўлди. Самимият ва юксак руҳ ҳукм сурган учрашув якунида Ўзбекистон Президенти Туркия Президентининг мамлакатимиз келажагига билдирган ишончи ҳамда халқимизга меҳри учун миннатдорчилик изҳор этди.

Туркия Республикаси Президенти Турғут Ўзол шу куни Тошкентнинг кўркам манзиллари билан танишди.

Шу оқшом Ўзбекистон Республикаси Президенти Туркия Республикаси Президенти шарафига зиёфат берди.

**(Туркия расмий делегациясининг Ўзбекистонга сафари ҳақидаги батафсил ҳисобот газетамизнинг навбатдаги сонида эълон қилинади).**



**СУРАТЛАРДА: 1. Тошкент аэропортидаги дийдорлашув. 2. Ислом Каримов олий мартабали меҳмонни қутламоқда. 3. Алишер Навоий ҳайкали пойига гулчамбар қўйиш. 4. Икки давлат раҳбарининг матбуот конференцияси. 5. Битимларни имзолаш маросими.**

**Р. ЖУМАНИЁЗОВ, А. ЗУФАРОВ ва Р. НУРИДДИНОВ олган суратлар.**







# ЎЗБЕКИСТОН—МАЛАЙЗИЯ ҚЎШМА АХБОРОТИ

Илгари эришилган аҳдлашувга биноан 1993 йил 31 мартдан 3 апрелгача Малайзия Бош вазири Дато доктор Маҳатҳир Муҳаммад бошчилигидаги Малайзия ҳукумат делегацияси расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди.

Ташриф давомида Малайзия Бош вазирини Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов қабул қилди. Иккала раҳбар ўртасида дўстона ва амалий муҳитда ўтган музокаралар жараёнида иккала томон Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги алоқалар бундан буёнги тараққиёт учун салмоқли истиқболларни таъминлаб берадиган мустаҳкам негизга эгадир, деган фикрга келди.

Бош вазир билан Президент икки томонлама муносабатларни ва ўзаро қизиқишга сазовор бўлган бошқа халқаро масалаларни атрофлича муҳокама қилдилар.

Томонлар ўз мамлакатларида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлардан бир-бирларини хабардор қилдилар ва кўпгина халқаро муаммолар хусусида фикрлашиб олдилар. Тинчлик ва барқарорликни сақлаш соҳасидаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун турли даражаларда ўзаро мунтазам маслаҳатлашув ва учрашувлар ўтказиб туриш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Президент И. А. Каримов билан Бош вазир Дато доктор Маҳатҳир Муҳаммад тенглик, тинч-тотув яшаш ва дўстлик, ҳамжиҳатлик ва мададкорлик тамойилларига асосланган Ўзбекистон — Малайзия муносабатларини янада ривожлантириш иккала давлат ташқи сиёсатининг зарур омилларидир, деб таъкидладилар. Улар иккала мамлакат халқларининг равнақ топиши учун давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини узоқ муддатли асосда бундан буён ҳам чуқурлаштириш ниятини изҳор қилдилар.

Президент билан Бош вазир дунёнинг турли минтақаларида рўй бераётган можаролар БМТ Низомининг қоидалари ва мақсадларига қатъий амал қилиши асосида тинч сиёсий усуллар билан бартараф этилиши керак, деган фикрга келдилар. Улар дунёнинг турли жойларидаги можароли вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф қилиш ишида БМТнинг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш зарур, деб топдилар.

Президент И. А. Каримов Ўзбекистон Республикасининг минтақадаги ишлар ҳамда Ўзбекистоннинг тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш соҳасидаги ташқи сиёсий фаолияти хусусидаги фикр-мулоҳазаларини баён этиб берди. Айни вақтда Бош вазир Дато доктор Маҳатҳир Муҳаммад Ўзбекистон Республикасининг минтақадаги ижобий мавқеини қўллаб-қувватлашини изҳор этди.

Визит чоғида Малайзия Бош вазири ва унга ҳамроҳ бўлиб келган делегация Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида ҳам учрашувлар ўтказди, бу ерда ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда мавжуд битим ва аҳдлашувларни амалга ошириш йўллари муҳокама қилинди.

Томонлар ўзаро манфаатли муносабатларни кенгайтиришга интилаётганликларини алоҳида қайд этдилар ҳамда иқтисодий ва инсонийлик соҳаларидаги ҳамкорликнинг аниқ-равшан йўналишларини кўриб чиқдилар. Бунда улар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни яқинлаштириш учун негиз ярата оладиган шартномалар ишлаб чиқиш ва тузиш ниятини изҳор этдилар.

Малайзиялик ишбилармонларнинг Ўзбекистон Республикаси экспорт имкониятлари ва республикада барпо этилган ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳақиқий шарт-шароитлари билан танишиш мақсадида Ўзбекистон вазирликлари, идоралари, йирик корхоналар ва банкларининг раҳбарлари билан ялпи учрашуви ҳам бўлиб ўтди.

Малайзиялик савдо-саноат доираларининг намояндалари Ўзбекистон Республикасининг кейинги вақтларда қабул этилган қонунлари, шунингдек, Президентнинг ташқи иқтисодий фаолиятни кучайтириш чора-тадбирлари ҳақидаги Фармони ҳамда ҳукуматнинг шу масалага оид қарорлари хорижий сармоядорлар учун қулай шароит яратади, деган фикрга келдилар.

Малайзия Бош вазири ва делегация аъзолари Ўзбекистонда бўлган вақтларида Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар, бир қанча саноат корхоналарини, шу жумладан Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасини бориб кўрдилар, Алишер Навоий ҳайкалига гулчамбарлар қўйдилар, Бухоро шаҳрига бориб келдилар.

Президент И. А. Каримов билан Бош вазир Дато доктор Маҳатҳир Муҳаммад Малайзия делегациясининг Ўзбекистонга қилган ушбу ташрифи натижаларидан мамнуният изҳор этдилар. Улар бўлиб ўтган самарали ва амалий музокаралар Ўзбекистон — Малайзия дўстлигини ва ҳар томонлама ҳамкорлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ишига салмоқли ҳисса қўшганлигини таъкидладилар.

Улар бу ташриф икки мамлакат ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ишончни янада чуқурлаштиради, деб ишонч билдирдилар.

Ташриф вақтида томонлар «Ўзбекистон Республикаси билан Малайзия ўртасида ахборот соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида» битим, ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги ҳамжиҳатлик меморандуми ва Ўзбекистон — Малайзия муносабатларининг шартномавий-ҳуқуқий негизини янада ривожлантириш тўғрисида иккала томон ҳукуматлари ўртасидаги муддаолар протоколини имзоладилар.

Малайзия Бош вазири республикада бўлган даврда ўзига ва делегация аъзоларига кўрсатилган иззат-икром ва меҳмондўстлик учун Ўзбекистон Президентига, ҳукуматига ва халқига чин кўнгилдан миннатдорлик изҳор қилди.

**Тошкент.**
**1993 йил 3 апрель.**

## Темур тузуклари

تیمور تزوکلاری



### САЛТАНАТНИ ИДОРА ЭТИШ ТУЗУГИ

Қайси мамлакатни забт этган бўлсам, ўша ернинг обрў-эътиборлик кишиларини азиз тутдим, сайийдлари, уламолари, фузало ва машойихига таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим, уларга суюрғол, вазифалар бериб, маошларини белгиладим; ўша вилоятнинг улуғларини оға-иниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса, ўз фарзандларимдек кўрдим. Мазкур мамлакатларнинг сипоҳи учун даргоҳим эшиги очиқ эди. Раиятини ўзимга қаратиб олдим. Ҳаммани қўрқув ва умид орасида сақладим. Ҳар мамлакатнинг яхши кишиларига мен ҳам яхшилик қилдим, нафси ёмонлар, бузуқлар ва аҳлоқсиз одамларни мамлакатимдан қувиб чиқардим. Пасткаш ва разил одамларга ўзларига лойиқ ишлар топширдим ҳамда ҳадларидан ошишларига йўл қўймадим. Улуғларини (акобир) ва шараф-эътиборли кишиларни (ашроф) ҳурматлаб, мартабаларини оширдим. Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, Зулму ситам йўлини тўсдим. (Ўз эрки билан) менга бўйсунган вилоят ҳокимларига ўша юрт ҳукуматини қайтариб бердим ва уларни инъому эҳсон билан қадрлаб, ўзимга мутеъ қилиб олдим. Бўйсунмаганларни эса қилмишига яраша жазоладим. Одил, оқил ва уддабурон кишиларни уларга ҳоким этиб тайинладим.

Амр этдимки, ўғри ва қароқчиларни «Ёсо» асосида жазоласинлар, фасодчи, бузуқи, нафси ёмон кишиларни мамлакатдан ҳайдасинлар. Эзма-бекорчи одамларни вилоят ва шаҳарларда қолдирмасинлар.

Ҳар бир шаҳар ва қишлоққа кутвол тайинласинларки, сипоҳу риятга соқчилик қилсин ва кимнинг бирон нарсаси ўғирланса, бунинг масъулияти унинг зиммасида бўлсин. Ва яна буюрдимки, йўл устига кузатувчилар, зобит[1]лар тайинлансинларки, йўлларни қўриқлаб, ўткинчилар, савдогарлар, мусофирларни кузатиб, мол-мулки ва бошқа нарсаларини манзилдан-манзилга етказиб қўйсинлар. Йўл устида бирортасининг нарсаси йўқолса, ўзи ўлдирилса ёки бошқа кор-ҳол юз берса, булар учун жавоб бериш уларнинг зиммасида бўлсин.

[1] Зобит — идора этувчи, бошқарувчи, қўшин бошлиғи

**97.**

Яна буюрдимки, ҳар ернинг ҳокимлари ғаразгўй, туҳматчи ва нафси бузуқ кишиларнинг туҳмат сўзлари билан катта ва кичик шаҳарлар аҳолисидан ҳеч кимга жарима солмасинлар. Фақат бировнинг гуноҳи тўрт кишининг гувоҳлик бериши билан исботланса, гуноҳига яраша жарима солинсин. Ва яна буюрдимки, ҳеч бир шаҳар ва қишлоқда одамлардан сари шумор[1] ва хона шумор[2] олмасинлар. Сипоҳийлардан бирон киши раиятнинг хонадонига зўрлик билан келиб тушмасин, раиятнинг от-уловларини тортиб олмасин.

Ҳар бир мамлакатнинг раияти билан бўлган муомалада, уларга нисбатан холислик билан иш тутсинлар. Яна буюрдимки, ҳар мамлакатнинг гадоларига ойлик-вазифа юклаб иш берсинлар, токи шу йўл билан гадолик расми йўқотилсин.

### МУЛКУ МАМЛАКАТ, СИПОҲУ РАИЯТ АҲВОЛИДАН ХАБАРДОР ВА ОГОҲ БЎЛИБ ТУРИШ ТУЗУГИ

Ҳар бир сарҳад, вилоят, шаҳар ва лашкарда хабар ёзувчи (хабарнавис)лар тайин қилинсинларки, ҳокимлар, раият, сипоҳ ўзининг ва ёт-бегона лашкарнинг ҳатти-ҳаракати ҳақида мени хабардор қилсин. Атрофдан кирган-чиққан мол-мулк, четдан кирган ва четга чиққан ёт кишилар, ҳар мамлакатдан келган карвонлар ва ҳукмдорлик ҳақидаги хабарлар, қўшни подшолар, уларнинг гаплари, ишлари ва узоқ ўлкалардан бўлиб, менинг даргоҳимга юзланган уламо, фузало ҳақидаги батафсил хабарларни ростлик-тўғрилик билан менга ёзиб турсинлар. Агар бунга хилоф иш тутгундай бўлсалар, [бўлиб ўтган] воқеаларни ёзмасалар, ёзувчининг хабар ёзган бармоқлари кесилсин. Агар хабар ёзувчи сипоҳ ишларни яшириб, хабарига бошқа либос кийгизиб (ёлғон) ёзган бўлса, унда ҳам қўлини кессинлар. Агар ёлғон хабарни туҳмат ёки бирон ғараз билан ёзган бўлса, уни қатл этсинлар. Ва яна амр этдимки, ушбу хабарларни кунма-кун, ҳафтама-ҳафта, ойма-ой менинг арзимга етказиб турсинлар.

Амр қилдимки, мингта тезюрар туя минган, мингта от минган елиб-югурувчи кишини чопқунчи, минг нафар тезюрар пиёдани (чопар) этиб тайинласинларки, турли мамлакатлар, сарҳадларнинг хабарларини, қўшни ҳукмдорларнинг мақсадлари ва ниятларини билиб, ҳузуримга кор-ҳол юз бермасидан бурун чора ва иложини қилайлик.

[1] Сари шумор — жон бошидан олинадиган солиқ.

[2] Хона шумор — ҳар бир хонадондан олинадиган солиқ.

**98.**

● *Яқин ўтмишга назар*

# ҚАЙДАСАН, ОРЗУЛАРГА ОШУФТА ЎҒЛОН?

**Ушбу суратни редакциямизга фаол жамоатчи мухбиримиз Владимир Панов олиб келди. Истарали ўспириннинг юз-кўзларидаги руҳиятини илғаб олиш қийин эмасди. Қўлларида китоб тутиб турган болажон хаёлида саркаш орзу-истаклар ғужғон ўйнамоқда.**

**Аввалига биз уни оддий суратлар қаторида қабул қилдик. Лекин бу ерда қизиқ гап бор экан. Владимир Дмитриевич бу йигитчани роппа-роса йигирма йил муқаддам Бухоро вилоятининг Ромитан районига ижодий сафарга борганда суратга туширганини айтди. Ўспириннинг исми-шарифини фотомухбир тўзғиган ён дафтаридан аниқлай олмаган. Фақат В. Пановнинг ёдида қолгани шу: «Орзуинг нима?» деган саволга бола «Агроном бўлиш» деб жавоб берган.**

**Йигирма йил ичида қанча сувлар оқиб кетди. Ҳозир сиз суратини кўриб турган йигитнинг тақдири қандай кечди экан? Балки қалбида эъзозлаган орзусига эришиб, деҳқончилик илмини ҳаётга татбиқ этаётгандир. Эҳтимол ҳаётнинг турфа хил синовларидан ўтиб бошқа бир соҳани ихтиёр этгандир. Шууримизни шундай саволлар қоплади. Ҳар ҳолда танжони соғ бўлса (биз шундай бўлишини жуда-жуда истаймиз) газетадаги суратини кўриб, ўз ҳаёти ҳақида редакцияга батафсил ёзиб юборишини илтимос қиламиз. Балки уни сиз танигандирсиз — у ҳолда хатингизни кутамиз, муҳтарам муштарий! Зеро, бир йигитнинг ҳаётида мустақил Ўзбекистонимиз одамларининг тақдири, қатрадаги қуёш каби акс этади. Бу ҳақда редакциямизга жавоб келса, сиз азиз муштарийларга албатта ҳикоя қиламиз.**

**Қайдасан, орзуларга ошуфта ўғлон, жавобингни кутамиз.**



# ТЎРАЕВЛАР СУЛОЛАСИДАН



**Етмиш бешинчи ёшга қадам қўйган газетамизнинг кўп йиллик тахламларини варақласангиз Абдусаттор Тўраевнинг имзоси узоқ давр турфа хил суратлар, ҳозиржавоб лавҳалар остида турганлигига гувоҳ бўласиз. Абдусаттор аканинг илк фаолияти Ўзбекистонда миллий фотожурналистика сарчашмаларига бориб тақалади. У киши яратган суратлар мажмуи билан танишсангиз Ўзбекистон тарихи кўз олдингизда гавдаланади, десак муболаға бўлмас. Бугунги кунда турли газета ва журналларда ишлаётган фотомухбирларнинг аксарияти Абдусаттор акани ўзларига устоз деб биладилар.**

**Мана бир неча йилдирки, Абдусаттор ака нафақахўр. Лекин уйида тинч ўтирмайди. Вақти-вақти билан қадрдон далаларга, ҳаёт жўш уриб турган корхоналарга бориб меҳнатда ўрнак кўрсатаётганларни суратга олади. Лекин редакциямизда отахон фотомухбирнинг ўрни бўшаб қолгани йўқ. Яқинда ана шу сулоланинг навбатдаги вакили — Абдусаттор аканинг фарзанди Абдувоҳид Тўраев падари бузрукворининг ишини қўлга олди. Газетхонларимиз Абдувоҳиднинг завқ-шавққа тўла суратларига, жонли лавҳаларига ўрганиб қолишди. Демак, от ўрнини той босгани каби «Ўзбекистон овози»да Тўраевлар сулоласи давом этади.**

**Ота дуосини олиб, эл меҳрини қозонавер, Абдувоҳид!**

## ШАХСИЙ ЧОЙХОНА

● **Навоий районидаги Ибн Сино номли жамоа хўжалиги аъзоси, меҳнат фахрийси Худоёр Имомов хайрли ишга қўл урди.**

У шахсий жамғармаси ҳисобидан хўжалик марказида 50 ўринли чойхона қуриб, ишга туширди. Бу ишда отахонга фарзандлари Бахтиёр, Ихтиёр, Абдурауф, Абдураимлар яқиндан кўмаклашишди. Чойхона ҳузурида кичик ошхона ҳам бўлиб, у ерда миллий таомлар тайёрланмоқда. Бундай қулайликдан нафақат хўжалик фуқаролари, балки янгиариқлик ва дўрмонликлар ҳам баҳраманд. Қани энди, ана шундай ташаббускор отахонлар жумҳуриятимизда кўпайса!

**Музаффар ШАРОПОВ.**

## ЮБИЛЕЙ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

Бу йил атоқли ўзбек шоири Ғафур Ғулом таваллуд топганига 90 йил тўлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мамлакатимиз маданий ҳаётидаги бу қутлуғ санани муносиб нишонлаш юзасидан махсус фармойиш чиқарди. Фармойишда юбилейни ўтказиш комиссияси зиммасига шоир таваллудини республикада кенг нишонлашни ташкил этиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш топширилган.

3 апрель куни юбилей комиссияси раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари М. Қорабоев раислигида комиссиянинг мажлиси бўлди. Унда атоқли шоир таваллуд санасини нишонлашга тайёргарликнинг бориши, жумладан, Ғ. Ғулом асарларини, унинг ижодига бағишланган рисолаларни чоп этиш, видеофильмлар яратиш, илмий-амалий анжуманлар ўтказиш юзасидан кўрилаётган тадбирлар муҳокама қилинди.

**(ЎзА).**

● *Ўзбекистон—футбол мамлакати бўлади*

## ЧЎҚҚИЛАРНИ КЎЗЛАЙМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов жисмоний тарбия ва спортга, хусусан, футболга катта эътибор бериб хайрли ва савобли ишларга қўл урмоқдалар. Ўйлаймизки, бундай ғамхўрлик яқин келажакда ўз самарасини беради.

Оддий футболчи сифатида шуни таъкидлашни истардимки, бундан буён биз халқаро майдонларни кўзлаб ҳаракат қилаверамиз. Бизни жаҳон чемпионатлари, халқаро учрашувлар бугунданоқ чорлаб тургандай, Зеро, биз ёшлар қаерда ўйнамайлик, ҳамиша она-Ватан меҳри билан яшашимиз, унинг шаъни учун курашишимиз зарур бўлади. Яқин келажакда Ўзбекистон дейилганда футболни ёки футбол дейилганда мустақил юртимизни англайдиган пайтлар келади, деб умид қиламиз.

**Шуҳрат МАҚСУДОВ, «Пахтакор» жамоасининг ҳужумчиси.**

## ОММАВИЙЛИК ДАСТУРИЛАМАЛИ

Қорақалпоқ мухлислари ҳам мустақил Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга бағишланган қарорни қувонч билан кутиб олдилар.

Биз, қорақалпоқ халқлари ҳам Президентимиз Ислом Каримовнинг ички ва ташқи сиёсатда олиб бораётган доно сиёсатларини кузатиб, фахр туйғуларига тўламиз.

Футболни ривожлантиришга бағишланган катта қарор биз мутахассислар, мураббийлар ва футболчилар учун оммавийликка эришиш йўлидаги дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Ўйлайманки, Қорақалпоғистон Олий Кенгаши, Нукус шаҳар ҳокимлиги юқоридаги футболга бағишланган муҳим хужжатдан келиб чиқадиган тадбирларни қорақалпоқ диёрида ҳам изчил ёйиш йўлида изланишади.

**Жангибой БЎРОНОВ, «Орол» футбол жамоасининг бош мураббийси.**

## ПРЕЗИДЕНТ МУКОФОТИНИ ОЛГАН ПОЛВОН

● **Термиздаги «Алпомиш» ўйингоҳи уч кун мобайнида гавжумлашиб турди. Бу ерда миллий кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун халқаро мусобақа ўтказилди.**

Бу халқаро мусобақанинг ўтказилиши мустақил Ўзбекистонда қадриятларимизнинг тикланиб бораётганидан яна бир нишона. Боиси, полвонлар беллашуви ҳам халқимизнинг қадимий анъаналаридан ҳисобланади.

Халқаро мусобақада Афғонистон, Туркманистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг 300 нафардан кўпроқ курашчиси иштирок этди. Мухлисларда катта қизиқиш уйғотган беллашувлар қизғин ва муросасиз баҳсларга айланди. Мусобақанинг очилиши олдидан юртбошимизнинг беллашув иштирокчиларига йўллаган табриги ўқиб эшиттирилди. Кўпчилик сабрсизлик билан кутган мутлақ вазндаги полвонларнинг чиқишлари шиддатли тус олди.

Саралаш беллашувларини муваффақиятли ўтказган термизлик Ўрол Тўраев билан жарқўрғонлик Рустам Эргашев ҳал қилувчи баҳсда ўзаро куч синашдилар. Кураш термизлик полвоннинг ғалабаси билан якунланди. Шундай қилиб, халқаро мусобақанинг бош мукофоти Ўрол Тўраевга насиб этди. Унга миллион сўм берилди. Иккинчи ўринни олган Рустам полвонга рангли телевизор ва видеомагнитафон тақдим этилди. Учинчи ўринни олган сурхондарёлик Камол Бойтўраев вилоят ҳокимлиги томонидан нортуя билан мукофотланди.

Мусобақалар 35, 45 ва 60 ёшгача бўлган полвонлар ўртасида ташкил этилган эди. Вазнларига кўра тожикистонлик Абдулла Очилдиев, бухоролик Нурмуҳаммад Юсупов, мезбонлардан Алиёр Худойқулов, Нортожи Бойматов, Тоҳир Турдиев ва тошкентлик Омон Тоймуродовлар ҳам ғолиблик супасига кўтарилдилар. Мусобақа якунида полвонлар миллий курашга кўрсатилаётган катта эътибор учун миннатдорчилик билдириб, Президентимиз номига мурожаатнома қабул қилдилар. Халқаро мусобақа ҳар йили апрель ойида анъанавий равишда ўтказиладиган бўлди.


Ўзбекистон овози

# ХАРЧИНОМА

Афғонистоннинг «Ҳайдар Джоз Джони С°ЛТД» фирмаси ташкилотлардан қуйидаги маҳсулотларни чекланмаган миқдорда

СОТИБ ОЛАДИ

1. Микробларни зарарсизлантириш учун пахта ёғига кимёвий («Костик») қўшиладиган моддалар.
2. Балонларда жойлаштирилган 1000 тонна табиий газ.
3. Икки комфорали газ плиталари.
4. Ёқилғи сифатида ишлатиладиган ёғоч-тахта чиқиндилари.

## ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Қорамол ва бошқа туёқли моллар терисини Афғонистоннинг ҲАЙРАТОН шаҳригача етказиб беради.

## СОТАДИ

1000 тонна пахта толаси

Мурожаат учун манзилгоҳ: Тошкент шаҳри — 700028, Усмон Юсупов кўчаси, 1 уй.

Телефонлар: 41-13-50.

Факс: 41-06-31.

Афғонистондаги қароргоҳимиз: Мозори Шариф шаҳри «Ғайрат-2» ҳамда «Ҳайдар Джоз Джони С°ЛТД» ва «Саидкамол Содат» фирмалари.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

Олий ўқув юртларига тест синовлари бўйича имтиҳондан ўтиш учун пул тўлаб ўқийдиган тайёрлов курсига

## ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар 1 майгача қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 3 ой.

Тайёрлов курсига қабул қилиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

Шаҳодатнома, 2 дона сурат, ишлаганлардан меҳнат дафтарчасидан кўчирма, соғлиғи ҳақида 086—ҳужжат.

Машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади.

Бизнинг манзилгоҳимиз: 700183, Тошкент — 183; 156, 165, 83, 96, 491-автобуслар қатнайди. Агроуниверситет бекати.

Телефон: 63-75-07.

АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМЛИ БУХОРО ТИББИЕТ ИНСТИТУТИ ҚУЙИДАГИ КАФЕДРАЛАРНИНГ ВАКАНТ ЎРИНЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— Юқумли касалликлар ва эпидемиология кафедрасига
кафедра мудири, фан доктори, профессор ёки фан номзоди, доцент
— неврология ва нейрохирургия кафедрасига
кафедра мудири, фан доктори, профессор ёки фан номзоди, доцент.
— психиатрия-наркология кафедрасига
кафедра мудири, фан доктори, профессор ёки фан номзоди, доцент.
— томоқ, бурун ва қулоқ касалликлари ҳамда жарроҳлик стомотология кафедрасига
кафедра мудири фан доктори, профессор.
— кўз касалликлари кафедрасига
кафедра мудири, фан доктори, профессор ёки фан номзоди, доцент.
— Суд-медицина кафедрасига
кафедра мудири, фан доктори, профессор ёки фан номзоди, доцент.
— педиатрия кафедрасига
кафедра мудири, фан доктори, профессор
— урология ва болалар жарроҳлиги кафедрасига
кафедра мудири, фан доктори, профессор
— шикастбандлик ва ортопедия кафедрасига
кафедра мудири, фан доктори, профессор
— госпитал хирургия кафедрасига
кафедра мудири, фан доктори, профессор
— госпитал терапия кафедрасига
кафедра мудири, фан доктори, профессор ёки фан номзоди, доцент.


**ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!**

Тошкент Давлат аграр университети ректорати, касаба уюшмаси ва Ўзбекистон тарихи кафедраси жамоаси шу кафедра доценти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маориф ходими М. Н. Маҳмудовага турмуш ўртоғи

**Боқижон АЛИМУҲАМЕДОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади

УПТК «Ўзавтотранскомплект» корхонаси ва «Ўзавтотранс» корпорацияси жамоалари бошқарма бошлиғи Х. М. Мусажоновга акаси

**Юнус Мусажонович МУСАЖОНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради ва марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик концерни «Ўзавтойўл» жамоаси бошқарув раисининг биринчи ўринбосари

**Руслан Исломович РАИМҚУЛОВнинг**

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар ва марҳумнинг оила аъзолари, қариндош-уруғларига ҳамдардлик изҳор этадилар.




МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ 32-УЙ.

МУАССИСЛАР:

УЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «УЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

РЕДАКЦИЯЛАР:

Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14.
Ижтимоий ҳаёт — 33-21-43; 32-53-16.
Вилоят мухбирлари — 33-12-16; 32-57-20.
Хатлар, ахборот ва спорт — 33-12-56, 32-55-16.
«Осиё бозори» — 33-41-89, 32-55-70.
Котибият — 33-72-83; 32-53-06.
Эълон ва билдирувлар — 32-54-14.
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36; 32-54-35.
Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ

Андижонда — 4-48-85; Нукусда — 2-42-62;
Бухорода — 3-96-12; Самарқандда — 35-22-90;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86; Урганчда 6-72-60;
Қаршида — 3-25-79; Термизда — 2-23-01.

Навбатчи муҳаррир: А. БОЛИЕВ.

● Бирорта ҳам хат редакция эътиборидан четда қолмайди
● Эълонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат берилади.
● Қўлёзмалар ҳажми чекланмайди.
● Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000120.

Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.

Ҳажми 2 босма табоқ, тиражи 166.770 нусха.

Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 23.00.

Г—168. № 60.

Узбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6.